

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

418 **Корхоналар ва ташкилотлар векселларини чиқариш
ва муомала қилиш вақтинчалик тартиби ҳамда унга
ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 149-2*

(2012 йил 17 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 30 майда тасдиқланган «Корхоналар ва ташкилотлар векселларини чиқариш ва муомала қилиш вақтинчалик тартиби» (рўйхат рақами 149, 1995 йил 31 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 29 мартда 10-97-сон билан тасдиқланган «Корхоналар ва ташкилотлар векселларини чиқариш ва муомала қилиш вақтинчалик тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 149-1, 1997 йил 17 апрель).

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 18 август,
24/4-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2012 йил 17 август